

ХОРАЗМДА АРХЕОЛОГИК ҚАЗИШМА ИШЛАРИ.

“Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси

“Қадимги Хоразм тарихи” бўлими

бўлим мудири: **Эрниёзов Шохжаҳон.**

Аннотация: Ушбу мақолада Буюк Ипак йўлида жойлашган Авесто ватани бўлган Хоразм диёри қадимий ва бой маданиятга эга бўлиб, узоқ ўтмиш тарихидан гувоҳлик берувчи ашёлар, олиб борилган илмий экспедициялар натижасида топилганлиги ёритилади.

Калит сўзлар: Хоразм, археологик тадқиқотлар, «Калтаминор маданияти», Авесто, Я.Ғ. Ғуломов, С.П. Толстов, Тупроққалъа, Гулдурсун, Фил қалъа, Ҳазорасп, Қалъажик, Олмаотишган, Хива.

Зардушт, Ал-Хоразмий, Беруний, Абулғози, Мунис, Огаҳий ва Баёнийдек Хоразмда таваллуд топиб, ушбу азим ўлка довуғини дунёга таратиб ўтган аждодларимиз сони анча. Шу билан бирга эса узи Хоразмда туғилиб ўсмаган булса-да, қадим воҳага меҳр боғлаган, шу ўлканинг табиати, тарихи, маданияти ва санъатига ихлос қўйган инсонлар кўп. Бунга эса Ибн Батуттадан тортиб Вамбери-ю, А. Кунни, П. Иванов сингари хорижлик, яқин тарихимиздан оладиган бўлсак С. П. Толстов, Яҳё Ғуломов ва Муҳаммаджон Йўлдошев каби тарихчиларни айтиш мумкин¹.

Археологик қазиш — махсус рухсатнома асосида ёдгорликлар ва маданий қатламни тўлиқ ўрганиш имконини берувчи услубга (авваламбор стратиграфик услубга) риоя қилинган ҳолда археологик ёдгорликларни тадқиқ этиш. Археологик қазиш турли археологик текширишнинг якунловчи босқичи бўлиб,

¹ Сергей Толстов “Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб”. Тошкент 2014 йил. 3-бет.

унда синаб кўрилган ёдгорлик бошдан-оёқ батамом қазиб текширилади, тугаллангач тарихий хулосалар чиқарилади².

Қадимги ва ўрта асрлардаги Хоразм ёдгорликларини археологик жиҳатдан мунтазам ўрганиш XX асрнинг 30-йилларидан бошланди ва бу иш ҳозиргача давом этмоқда.

Археологик тадқиқотлар даврини тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1. Иккинчи жаҳон уруши давригача (1936–1940 йиллар) олиб борилган тадқиқотлар;
2. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда (1945–1958 йиллар) олиб борилган тадқиқотлар;
3. 1959–1990 йилларда олиб борилган тадқиқотлар.
4. Мустақиллик йилларида олиб борилаётган тадқиқотлар.

1936–1940 йилларда қадимги Хоразмнинг Катта Гулдурсун, Фил қалъа, Ҳазорасп, Қалъажик, Олмаотишган, Хива, Жигарбанд ва бошқа шаҳарлари Я.Ғ. Ғуломов томонидан ўрганилди. Олим ўша пайтдаёқ Хива шаҳри кушонлар даврида Ичан қалъа доирасида қисман сақланиб қолган мудофаа иншоотлари негизида қурилган, деб ҳисоблаганди. XX асрнинг 30-йиллари охирида Хоразмнинг мил. ав. V–III минг йилликларни ўз ичига олувчи неолит даври ёдгорликлари дастлаб аниқланган. Ушбу давр Калтаминор канали номи билан «Калтаминор маданияти» деб аталади.

1937 йили Яҳё Ғуломов Жанубий Қорақалпоғистоннинг «Қадимда суғорилган ерлари» ва археологик қазилмаларни қайтадан бошлади ва ўрта асрларга мансуб Гулдурсун ва Норинжон шаҳар харобаларини ҳамда Шоббоз яқинидаги (Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани) Пилқалъанинг янги эранинг дастлабки асрларига мансуб бахайбат харобаларини текшириб чиқди³.

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/arxeologik-qazish-uz/>

³ Сергей Толстов “Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб”. Тошкент 2014 йил. 42-бет.

1938 йили экспедиция ишлари ниҳоятда юришиб кетди. Шу йили ўтказилган қазишмалар туфайли жуда кўп қадимги харобалар ва ислом динидан аввалги илк ўрта асрга мансуб ёдгорликлардан ташқари, бронза асрининг дастлабки обидалари ҳам топилди.

1945–1958 йилларда олиб борилган тадқиқотларда Тупроққалъа ёдгорлиги ўрганилган. Мазкур ёдгорлик милодий II асрда ягона режа асосида барпо этилган. Мажмуанинг ўзида қуйидаги объектлар алоҳида эътиборни тортади. Бу шаҳар 5 қисмдан иборат. Шаҳарнинг узунлиги 500, эни 350 метр бўлиб, 10 та маҳаллага бўлинган. Унда олов ибодатхонаси, аҳоли истиқомат уйлари, сарой ва ибодатхоналар бўлган. Шунингдек, ички девор билан ўраб олинган, шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган ва 180×180 метр майдонни эгаллаган кўрғонни ҳам тилга олиш жоиз. Машҳур «раксга тушаётган ниқоблар» зали ўз номини деворларидаги 55 нафар раксга тушаётган эркаклар ва аёлларнинг бўртма тасвири туфайли олди. Бошқа хонада – «Кийиклар зали»да кийик тасвирлари сақланиб қолган. «Жангчилар зали» қалъа ҳимоячиларини кўриш имкониятини беради ва «Ғалаба зали»да ҳукмдорнинг ўзи ва унинг икки томонида турган иккита маъбуда тасвирланган бўртма композиция мавжуд – бу шубҳасиз ғалабани (масалан, юнонча Ника ёки Кушон Хванинда) ва тинч фаровонлик (юнонча Тйче ёки Кушан Ордохсонинг бир варианты). «Подшолар зали» – саройнинг шимолийшарқий қисмида жойлашган. Ушбу зал деворлари бўйлаб подшо аждодлари (балким зардўштийлик дини худолари?) ҳайкаллари жойлашган. Тупроққалъадан игна ушлаган аёл, ёввойи ҳайвонлар, камон ушлаган ўсмир, арфа чалаётган аёл мавзуларидаги деворий суратлар топилган. Шу қаторда шаҳар ташқарисида жойлашган, 12 та сарой ва ибодатхонадан иборат сарой-ибодатхона мажмуасини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Мажмуанинг умумий майдони – 9 гектар.

Саройнинг ғарбий қисмида жойлашган тўғри тўртбурчак кўринишидаги, 1250×1000 метр бўлган очик майдон алоҳида қизиқиш уйғотади. У шаҳар

ташқарисидаги сарой-ибодатхона мажмуаси билан узун иккита девор орқали бирлаштирилган. Мутахассислар фикрича, ушбу майдонда Хоразм қўшинлари сафар олдидан саф тортганлар⁴.

Тупроққалъадан топилган ёзувлар Лившиц томонидан ўрганилган. Чарм терига ёзилган ёзувларда саройга олиб келинган озиқ-овқатлар ва ашёлар ҳисоби акс этган бўлса, ёғочга ёзилган ёзувларда оила ва уларга қарам бўлган кишилар рўйхатлари берилган.

1959–1990 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қадимги Хоразм ёдгорликлари тадқиқоти анча кенгайди. Тупроққалъа, Кўзалиқир, Қалъалиқир 2, Хивадаги Тупроққалъа, Говурқалъа 3, Қўрғошинқалъа, Кичик Қирққизқалъа истехкомлари батафсил ўрганилди. Антик истехком Капарас (1971–1975), Елхарас мажмуида (1973–1975) қазилар ишлари олиб борилди. Ўрта асрларга оид шаҳарлар Жигарбанд (1974–1976) ва Садварда (1972–1975) илк антик давр Хоразм ҳарбий истехкомлари принципларига тўлиқ жавоб берувчи қадимги истехкомлар борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти археология отрядлари қадимги Хоразмнинг энг йирик шаҳарларидан бири – Оқшахонқалъада (мил. ав. IV–III асрлар — мил. IV аср) 1995 йилдан бошлаб 25 йиллик давр мобайнида Австралиянинг Сидней университети билан ҳамкорликда кенг қамровли қазилар ишлари амалга оширилди. Бу ерда муҳофизат тизимининг янги элементлари аниқланди. Шунингдек, ибодатхона қолдиғи ва ноёб деворий суратларнинг галереяси очиқ ўрганилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу галереяда қадимги Хоразмшоҳлар сулолавий портретлари акс этган бўлиши мумкин⁵.

⁴ «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тўплами Тошкент 2021 йил. Бўлим муаллифи Баҳром Саъдуллаев 38-бет.

⁵ «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тўплами Тошкент 2021 йил. Бўлим муаллифи Баҳром Саъдуллаев 39-бет.

Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида илк бор маҳаллий кадрлар иштирокида Хоразм Маъмун академияси, Урганч Давлат университети ва Археология институти Хоразм минтақавий бўлими илмий ходимлари археологик тадқиқотларни амалга ошира бошладилар. Шу йилларда Олмаотишган, Катқалъа, Ҳазорасп, Дошқалъа 2, Мешекли қалъа ва бошқа ёдгорликлар ўрганилди.

1993–1996 йилларда ЎзР ФА Археология институти Хоразм минтақавий бўлими ва Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти ва Урганч Давлат университети тадқиқотчилари М. Мамбетуллаев ва Ш. Матрасулов бошчилигида ҳамкорлик қилиб, Хивада Ичан қалъанинг шимолий-ғарбий қисмида шаҳарнинг стратиграфияси ва ёши билан боғлиқ қўшимча маълумотларни олиш мақсадида археологик қазилар ишларини олиб бордилар.

Фанда Калта Минор. Тозобог'ёп, Амир- обод маданияти номлари билан белгиланган милoddан аввалги V-IV асрларда гуллаб-яшнаган манзилгоҳлар Қўйқирилганқалъа, Жонбос қалъа, Хумбузтепа, Ҳазорасп, Тупроққалъа, Хива қалъаларида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида чиққан ашёвий далиллар археологик топилмалар асосини ташкил қилади. Милoddан аввалги VII-VI асрларда ёзилган Авесто асарининг бош қаҳрамони Эзгулик Худоси Анахита ҳайкалчаси, Қўйқирилганқалъадан топилган Хоразм аёли ҳайкалчаси, милoddан аввалги VII-VI асрларга оид Хумбузтепадан топилган музқачи ҳайкалчаси, Шовот тумани Тупроққалъадан топилган милoddан аввалги VI-V асрларга оид Гопакшоҳ ҳайкалчаси, оламдан ўтган одамларнинг суяклари сақланган остодон (оссуарий)лар, шунингдек, ҳар хил тамғалар. «Хоразмлик суворий» ва Қадимги Хоразм ёзувлари сақланган тангалар тўпламининг нодир буюмлари саналади, Археологик топилмалар тўпламидаги неолит ва бронза даврига оид тош ва бронзадан ишланган меҳнат ва ов қуроллари, терракота ва ҳайкалчалар, пичоқсимон кремний пластинкалар, суяк игналар, мунчоқлар, мис

кўнғирокчалар. бундан ташқари, антиқ даврга оид сопол хум, кўза, кўзачалар ва бошқа буюмлар Қадимги Хоразм тарихидан гувоҳлик беради. Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтган карвонларнинг савдо-сотик ва мол айирбошлаш муомаласини тасдиқловчи Хитой кулоллари томонидан ишланган чинни буюмлар, диний маросим буюмлари. туморлар, ҳарбий юришларда қатнашган жангчиларнинг камон ўқлари, XII-XV асрларга оид мрамор қозон, чойнаклар, тегирмон тошлари ва ҳар хил даврларга оид тангалар ҳам шу тўпламдан жой олган⁶. Археологик топилмалар тўпламидаги буюмлар Кухна Арк мажмуасидаги Қадимги Хоразм тарихи бўлими экспозициясида халқимизга ва сайёҳларга намоиш қилинмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Сергей Толстов “Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб”. Тошкент 2014 йил.
2. «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тўплами Тошкент 2021 йил.
3. Хива давлат “Ичан-Қалъа” тарихий – меъморий музей-қўриқхонаси жамланмаси Каталоги. 2006 йил.
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/arxeologik-qazish-uz/>

⁶ Хива давлат “Ичан-Қалъа” тарихий – меъморий музей-қўриқхонаси жамланмаси Каталоги. 2006 йил. 5-бет